# Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз! | “Маданият карвони”нинг концерт дастурлари Термиз тумани “Учқизил” маҳалласида бўлиб ўтди

Туманга пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ олим ва шоирлар, қўшиқчи санъаткорлар, театр ва кино арбобларидан иборат “Маданият карвони” туманнинг “Учқизил” маҳалласида жойлашган 13-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўзининг маданий-маърифий концерт дастурларини намойиш этди.

Шоирлар ўзларининг шеърлари билан, санъаткорлар эса жонли ижролари билан, сўз усталари эса ҳазилларга бой ҳангомалари билан тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият ва қувончли лаҳзаларни улашишди.

Эстардамизнинг умидли хонандалари томонидан ижро этилган шўх куй-қўшиқлар ўйин-кулгуларга, аёлларимизнинг рақсларига уланди.